



## БОЛАЛАРГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛГАН ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

**Юлдашева Зулфия Рустамовна**

Самарканд вилояти ИИБ

Самарканд тумани ИИБ ХСГ катта инспектори, майор

Самарканд шаҳри Корасув маскани 38/14

Электрон почта: [zulfiyayuldasheva251@gmail.com](mailto:zulfiyayuldasheva251@gmail.com)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8280915>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> August 2023

Accepted: 24<sup>th</sup> August 2023

Online: 25<sup>th</sup> August 2023

### KEY WORDS

ЮНИСЕФ, бола ҳуқуқлари, зўравонлик (*bullying*), конвенсия, болага нисбатан ҳар қандай турдаги зўравонлик, эътиборсизлик, хиссий зўравонлик, оилавий зўравонлик.

### ABSTRACT

Мақолада болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликнинг турлари, статистикаси, уларни содир этаётган шахслар доираси, зўравонликнинг ҳар қандай турига қарши чора кўрадиган қонун ҳужжатлари, мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар, амалиётда шу каби жиноятларни тергов қилишда жабрланувчи ва гумон қилинувчининг рухий ҳолати, шахси, уларнинг қариндошлик ёки яқинлик даражаларини синчковлик билан ўрганиш, болаларга нисбатан ҳар қандай турдаги зўравонлик ҳолатларини содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бу каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, мазкур турдаги жиноятларни содир этилганда, дастлабки тергов давомида шахснинг айбини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши ва жазо муқаррарлигини таъминлашга доир муаллиф фикри баён этилган.

**Кириш.** Ўзбекистонда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг талабларига риоя этилишини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, оилада ҳам уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, болаларга нисбатан оилавий муҳитдаги ҳуқуқларини ҳимояга қилишга доир халқаро нормаларига риоя қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Мазкур масаланинг долзарблиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномасида шу жумлаларга эътироф этиб ўтган: “Умуман ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислохотларими кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама



етук, замонавий билим ва ҳунарни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз”<sup>1</sup>. Бу жамиятнинг яшовчанлиги ва унинг келажақдаги ривожини прогноз қилишда ўсиб келаётган авлод ҳал қилувчи роль ўйнашини англатади.

**Адабиётлар шарҳи.** Олий суд матбуот хизматининг маълумотиغا кўра, 2022 йилда Ўзбекистонда 469 нафар одам вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик учун жазога тортилган. Қайд этилишича, 23 нафар шахс 14 ёшга етмаган болаларнинг номусига теккан. 99 нафар шахс эса 14 ёшга тўлмаганини билиб туриб, зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни амалга оширгани юзасидан жавобгарликка тортилган. Шунингдек, 249 нафар шахс 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилгани учун жазога тортилган. 7 нафар шахс ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкый манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилгани учун жавобгарликка тортилган. Бундан ташқари, 91 нафар шахс ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан бузуқ ҳаракатлар қилгани учун жазоланган.

Сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, илгари “ёпиқ” бўлган зўравонлик мавзусини кенг ёритишнинг имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон қарори, “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4342-сон қарори, “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 майдаги ПҚ-4736-сон қарори, “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон фармони нинг қабул қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда вояга етмаганларни ҳар қандай безориликлардан, шу жумладан таълим ва бошқа ижтимоий муносабатларда содир этиладиган жинсий безориликлардан ҳимоя қилиш механизми мустаҳкамлаб қўйилган.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита 2011 йилдаёқ БМТнинг махсус сессияларидан бирида асосий муаммолардан бири сифатида болаларга нисбатан зўравонлик ходисасининг дунёда кенг тарқалган амалиёт эканлигини кўтариб чиққан эди: “У кўплаб шаклларда намоён бўлмоқда ва турли даражадаги шафқатсизлик билан амалга оширилмоқда. Агар Қўмита ўзида мавжуд бўлган барча маълумотларни жамласа, даҳшатли ҳамда жуда хавфли ҳолат кўзга ташланади. Улар бола ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ кўплаб ҳодисалардан иборат бўлиб, бу дунёнинг болаларни ўз ҳуқуқларига эга шахс сифатида ҳурмат қилишдан нақадар узоқ, эканлигини тасвирлаб беради”<sup>2</sup>

Ушбу сессиядан аввалроқ БМТ Болалар жамғармаси мутахассислари оилавий зўравонлик муаммосига бағишланган халқаро тадқиқот натижаларини эълон қилган

<sup>1</sup> 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <http://president.uz/uz/lists/view/4057>

<sup>2</sup> Дунёда болаларнинг ҳолати // БМТнинг махсус сессиясидаги маъруза, 2001 [www.un.org](http://www.un.org). [www.unicef.org](http://www.unicef.org)



эди. Улар бутун дунёда 275 миллион болалар зўравонлик қурбонлари булаётганлигини аниқладилар, шунингдек уларга зўравонликнинг беихтиёр гувоҳлари ҳам киришини эътиборга олган эдилар. БМТ маълумотларига кўра, дунёдаги қарийб 6 миллион бола ишлашга мажбур, уларнинг кўпларини меҳнат қилишга мажбур қилинмоқдалар. Маъруза муаллифларининг тахминларига кўра, бир миллиард атрофидаги болалар мактабдаги жисмоний жазодан қонун билан ҳимояланмаган. Барча рақамлар тахминий бўлиб, болаларга нисбатан зўравонлик ҳодисаси кўпинча жамиятдан яширин равишда амалга оширилади.

Е.Н.Ершованинг таҳлиliga кўра, жинсий ёки жисмоний зўравонлик қурбонига айланган болалар ва ўсмирлар кўпинча бундай хатти-ҳаракатларни этарли даражада жинсий эмас деб ҳисоблаб, ёки ошкоралик, қасос олишдан қўрқиб, шунингдек бошқа сабабларга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермасликни афзал кўрадилар. Мактабда ёки бошқа таълим муассасасида ўқиётганда ўсмир ўқитувчидан, муассасанинг ўзи ишонган бошқа ходимдан ёрдам сўраши мумкин. Таълим муассасасида адвокат бўлиб ишлаш амалиёти шуни кўрсатдики, ўсмир баъзан унга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳақида гапиришдан уялади. Бола билан гаплашаётганда сиз баъзи хусусиятларни ҳисобга олишингиз керак. Шундай қилиб, вояга этмаганлар, улар билан қилинган ҳаракатларнинг моҳияти ва маъносини тушунмасдан, хаёлпарастликка қодир. Вояга этмаганларнинг сўзларига алоҳида эътибор бериш керак.<sup>3</sup>

**Мухокама ва натижа.** Юқорида келтирилган БМТнинг тадқиқот ўтказган мутахассислари болаларга нисбатан жисмоний зўравонлик кўпинча жамоатчилик томонидан оддий ҳол сифатида баҳоланаётганлигини таъкидладилар. Мутахассислар шунингдек ушбу баҳо жуда юзаки бўлиб, рақамлар реал мавжуд бўлган ҳолатдан кескин фарқ қилиши мумкин, чунки уй шароитидаги зўравонлик ҳолатлари ҳақида ҳар ким доим ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълум қилинавермайди.

Бугун бутун дунё мамлакатларида болаларга нисбатан зўравонлик жиддий муаммолардан бири бўлиб турибди. Болаларга нисбатан жисмоний, жинсий ва рухий зўравонлик ўтказиш ҳолатлари жуда кўп учрамоқда. ЮНИСЕФ маълумотига кўра, дунёда 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳар 10 болалардан 6 нафари ҳар куни жисмоний зўравонликка учрайди. Ҳар 5 дақиқада бир нафар бола зўравонликдан вафот этади. Бу рақамлар мунтазам ўзгариб туради.

Болаларга нисбатан қилинадиган зўравонликлар жисмоний, жинсий ва рухий турларга бўлинади. Лекин афсуски бугунги кунда интернет соҳасининг ривожланиши бу жиноят турини ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда бу зўравонликлар қаторида **онлайн зўравонлик** ҳам кириб келган.

*Жисмоний зўравонлик*-бу уриш, тепиш, куйдириш ёки силкитиш каби зарар ёки шикаст етказадиган жисмоний куч ишлатишни ўз ичига олади.

<sup>3</sup> Домашнее насилие: социально-правовой аспект. Учебно-методическое пособие под общей редакцией Е.Н.Ершовой, при участии С.Г.Айвазовой. Москва-2013. <http://www.wcons.org.ru>.



*Жинсий зўравонлик-болага нисбатан жинсий эксплуатация ёки хукукбузарликларнинг ҳар қандай шаклини-зўрлаш, порнография ёки жинсий таҳқирлаш каби ҳаракатларни ўз ичига олади.*

*Хиссий (рухий) зўравонлик- бу сўз ёки ҳаракатлар ёрдамида ҳиссий травма. Бу боланинг ўзини ўзи қадрлаши, шахсий ривожланишига путур етказадиган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу доимий танқид, таҳқирлаш, ҳақорталаш ёки камситиш тарзида бўлади.*

*Эътиборсизлик-бу боланинг асосий жисмоний, ҳиссий, таълим ва тиббий эҳтиёжларини қондириш ва қондирмаслик. Эътиборсизлик суитеъмол қилишдан фарқ қилади, чунки у одатда ёмон ниятсиз содир этилади.*

*Онлайн зўравонлик-бугунги кунда дунё бўйлаб болалар онлайн тарзда зўравонликка ҳам учрамоқда. Улар билан виртуал тарзда муносабатларга кириши, шахсий суратларини, маълумотларини олиб, шу орқали кўрқитиш тобора кўпайиб бормоқда<sup>4</sup>.*

*Зўравонликдан эркаклар, хотин-қизлар ҳам жабрланиши мумкин, лекин вояга етмаганларнинг зўравонликдан жабрланиш эҳтимоли юқорилиги, зўравонлик турлари, оғирлик даражаси ва келиб чиқадиган оқибатлар кескин фарқланишини инобатга олган ҳолда, сўнгги ислоҳотлар айнан уларни ҳимоя қилишни талаб этади.*

*Шунингдек Д.Маклеоднинг фикрича, болалар билан оиладаги муносабатда кўпинча катталар уларни кўшимча назорат қилиш воситаси сифатида қарашлари мумкин, шунинг учун ҳар қандай профессионал орган ҳодимлари зўравонликни олдини олиш жараёни давомида жабр етказувчиларнинг ниятларини тушунишлари жуда муҳимдир.<sup>5</sup> Бу мазкур турдаги жиноятлар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўта синчковлик ва ҳар томонлама ёндашиб, жабрланувчи ва гумон қилинувчиларни сўроқ қилиш жараёнларида ҳар бир ҳолатга баҳо беришликни, болаларга нисбатан зўравонликни ҳар қандай тури билан боғлиқ бўлган жиноятни келтириб чиқарган сабаб ва шароитларни ўрганишни ҳамда бу каби ҳолатларни олдини олиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни кечиктирмасликни талаб қилади.*

*Ўзбекистон Республикаси ёш мустақил давлат бўлиб, аҳолисининг 40 %ни 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, 64 %ни эса – 30 ёшгача бўлган ёшлар. Шу сабабли, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши болалар ва ёшларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун қулай ва энг яхши шароитларни яратиш, шунингдек кўп болали оилаларни, етим болаларни ва оила муҳитидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.<sup>6</sup>*

*Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўз юритишдан олдин вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари мазмунига*

<sup>4</sup><https://kun.uz/uz/news2023/07/05>

<sup>5</sup> McLeod D, Flood S. (2018), Coercive control: Impacts on children and young people in the family environment, Research in Practice SafeLives commissioned literature review pp.35.

<sup>6</sup> Bola huquqlari monitoringi. O'quv-uslubiy qo'llanma /Mas'ul muharrir A.X.Saidov. –T.: Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2011. -B.5



халқимизга хос болажонлик, ўз фарзандига ғамхўрлик хислатлари сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, шунингдек 64-моддада ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари тўғрисидаги конституциявий норма мустаҳкамланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: “Ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”, деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг<sup>7</sup> 79-моддасида эса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса; ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Болаларга нисбатан зўравонлик кўпинча оилада ёки вояга етмаганга яқин жойда рўй беради. Ота-оналар, ўғай ота-оналар, яқин қариндошлар, яқин дўстлар ёки уларнинг васийлари кўпинча вояга етмаган шахс томонидан қилинган шавқатсизлик учун жавобгардирлар.

Жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ушбу зўравонлик тури ҳақида ҳайратланарли фактлар мавжуд:

-ҳар 5 аёлдан 1 таси ёки ҳар 13 эркақдан 1 нафари болалигида *жинсий зўравонликка* учрагани ҳақида хабар беради.

-маълумотларга кўра, ҳар йили 15 ёшгача 14минг бола *қотилликдан* вафот этади.

-*Рухий зўравонлик* натижасида эса, юрак хасталиги, саратон, ўз жонига қасд қилиш ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларга сабаб булиши мумкин.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра:

-Танзания, Кения ёки Зимбаве каби мамлакатларда ҳар 3 қиздан бири ва ҳар 6 ўғилдан бири жинсий зўравонликка учраган.

-Қўшма Штатлар каби ривожланган мамлакатларда ўспирин қизларнинг деярли 25% ва ўғил болаларнинг 10% жинсий зўравонлик, ўғирлик ёки бошқа тажовузларга учраган.

-Дунёда 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳар 10 боладан 6 таси ҳар куни жисмоний зўравонликка учрайди.

-Ҳар 5 дақиқадан 1 бола зўравонликдан вафот этади.

-Ҳозирда Австралияда бўлгани каби бошқа кўплаб мамлакатларда жисмоний жазо одатий ҳолдир, бу ерда ҳар 10 оиладан бири ўз болаларини қамиш, таёқ ёки камар билан уриб жазолашни тарғиб қилади.

-Дунёда вояга етмаганлар сони йилига 14 миллион кишига кўпаймоқда, бу ҳар куни 39минг қиз турмушга чиқишини англатади.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини// <https://lex.uz/docs/104720#158601>



-Сомалида вояга етмаганларнинг 45%и 18 ёшга тўлмасдан турмуш қуришга мажбур бўлмоқдалар ва 98%дан кўпроғи мавжуд бўлган энг кучли ва шавқатсиз ҳуружлардан бири бўлган жинсий аъзоларни бузишга учраган<sup>3</sup>.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти болалар зўравонлигини 18 ёшгача бўлган болалар ва ўспиринлар уларнинг соғлиги ёки ривожланишига зарар етказадиган ҳар қандай суитеъмоллик ёки бепарволик ҳаракати сифатида белгилайди. Болаларга нисбатан зўравонлик энг аввало унинг психикасига жиддий салбий таъсир етказди.

Л.Алексееванинг таъкидлашича, энг кенг тарқалган зўравонлик тури бу – жисмоний куч ишлатишдир. Бутун дунёда мазкур зўравонликнинг асосий қурбонлари болалардир. Жисмоний зўравонлик объектив томонлари: юзга зарба бериш, силкитиш, уриш, бўғиш, тепиш, эркинликни чеклаш, камар, арқон билан уриш, оғир нарсалар ва ҳатто пичоқ билан уриш каби намоён бўлади. Жисмоний зўравонлик таҳдидлар (шу жумладан қурол билан) ва шахсий мулкни йўқ қилиш, ёпиқ хонада қамоққа олиш ва бошқалар каби билвосита ҳаракатларни ўз ичига олади.<sup>8</sup>

Адабиётларда синонимлари сифатида «Зулм» ва «номуносиб муносабат» сўзлари ишлатиладиган «болаларга нисбатан зулм» тушунчаси (ингл. Child Abuse) Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти томонидан 1999 йилда таклиф этилган қуйидаги таърифга таянади: «Зулм» ёки «болалар билан қўпол муомалада бўлиш» «...боланинг соғлигига, яшаши, ривожланиши ва лаёқатига амалий зарар келтирадиган ёки зарар етқариши мумкин бўлган барча турдаги жисмоний ёки эмоционал салбий муносабат, жинсий зулм, эҳтиётсиз ёки бефарқ муносабат, коммерция ёки бошқа мақсадлардаги эксплуатацияси»<sup>9</sup>ни англатади.

Зўравонлик (bullying) - бу зўравонлик, ҳақорат қилиш ёки таҳдид қилиш, тажовузкорона ҳукмронлик қилиш ёки қўрқитиш учун фойдаланиш. Бундай ҳуққатворнинг муҳим шартлардан бири бу – зўравон ёки бошқалар томонидан жисмоний ёки ижтимоий кучнинг номутаносиблигини идрок этишдир. Бу номутаносиблик зўравонликни оддий келишмовчиликлардан ажратиб туради.<sup>10</sup>

Бола ҳуқуқларининг бузилиши жинсий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин. Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида бола ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Масалан, яшаш ҳуқуқини бузганлик (ўлдириш) учун жавобгарликни кўзда тутган қуйидагилар моддаларни мисол сифатида келтириш мумкин: 97-модда (қасддан ўлдириш), 98- модда (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш), 100–модда (онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш), 102-модда (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш), 103-модда (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) ва бошқа моддалар.

Боланинг шахсий дахлсизлигини бузганлик учун ЖКнинг 104-106 ва 109-111 моддаларида, яъни қасддан баданга шикаст етказиш ва қийнаш учун жавобгарлик

<sup>8</sup> Алексеева Л.С. Жестокое обращение с детьми: его последствия и предотвращение. — М.: Национальный книжный центр, ИФ «Сентябрь», 2016.

<sup>9</sup> “Ўзбекистонда болаларни нолайоқ муносабатдан муҳофаза қилиш тизими” тренинга материаллари асосида. Save the Children (UK), 2003.

<sup>10</sup> Juvonen, J.; Graham, S. (2014). "Bullying in Schools: The Power of Bullies and the Plight of Victims". Annual Review of Psychology. 65:159–85. doi:10.1146/annurev-psych-010213-115030 (<https://doi.org/10.1146%2Fannurevpsych010213115030>).



кўзда тутилган. Бундан ташқари, 235-моддада қийноқлар ва муомаланинг ва жазонинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва кадр-қимматни камситувчи турлари учун санкциялар белгиланган. Шаҳвоний зўравонлик орқали шахсий дахлсизликни бузиш учун 118-моддада (номусга тегиш) ва 119-моддада (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) жавобгарлик кўзда тутилган. Болага нисбатан бундай жиноятларни содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланиб, улар учун оғирроқ жазо тайинланади.

Жиноят кодексига оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларга бағишланган алоҳида боб (5-боб) мавжуд бўлиб, унда вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун (122-модда), болани алмаштириб қўйиш (124-модда), фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (125-модда), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш (127-модда), 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (128-модда), 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилиш (129-модда), порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш (130-модда), фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-модда) учун жавобгарлик Эелгиланган.

Боланинг шаҳвоний зўравонликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи, бу ҳуқуқни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси жинсий қонунчилигида тегишли жавобгарлик кўзда тутилиши билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-121 моддаларида номусга тегиш ва бир қатор бошқа жинсий эркинликка қарши жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқага кириш (128-модда), 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатлар қилиш (129-модда), порнографик нарсалар тайёрлаш ва тарқатиш (130-модда), фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-модда) учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Буюк рус ёзувчиси Ф.Достаевский *“Болалар орқали қалб даволанади”* деган эди. Азалдан болаларга нисбатан ўзгача меҳр билан қараш, уларни беғубор, беғуноҳ деб эъзозлаш аждодларимизга хос. Аммо бугунги кунда бошқа мамлакатлар қатори юртимизда ҳам болаларга нисбатан турли кўринишдаги зўравонликлар учраб тургани ачинарли ҳолат. Масалан, оила ва турмуш доирасидаги турли маиший муаммолар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар рашк натижасида эр ва хотин бир-бирларидан қасд олиш мақсадида болалардан *“фойдаланиш”* лари, яъни хотин эрига жахл қилиб, ўз фарзандини калтаклаши, тан жароҳати етказиши эрига бўлган нафрати сабаб болага қўпол муомалада бўлиши ва шу каби юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина, Самарканд вилояти мисолида олсақ, Самарканд тумани *“Жарқишлоқ”* МФЙда яшовчи аёл турмуш ўртоғи ва қайнонаси билан оилавий келишмовчиликлари оқибатида ва рашк сабаб турмуш ўртоғига жахл қилиб, ўзининг 3 нафар вояга етмаган фарзандлари билан биргаликда Самарканд тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи *“Дарғом”* каналига ташлаб, ўзи ва фарзандлари жонига қасд килган. Ушбу канал яқинида жойлашган кафедра ишловчи фуқаролар томонидан улар қутқарилиб, сувдан чиқариб олинган, аммо афсуски, икки нафар балалар воқеа жойида вафот этган. Фуқарога нисбатан Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми *“и”* банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилган.



Шунингдек, жорий йилнинг июнь ойида Самарқанд шаҳар А.Навоий кўчаси жойлашган яшаш хонадонлардан бирида 3 нафар вояга етмаган норасида гўдакларнинг мурдалари ўта вахшийларча қотиллик аломатлари билан топилган, мазкур ҳолат юзасидан отага нисбатан 3 нафар вояга етмаган фарзанларига нисбатан қотиллик жиноятини содир этганлиги учун ЖКнинг 97-моддаси тегишли қисм ва бандлари билан жиноят иши қўзғатилган. Қотиллик сабаби эса ота-онанинг оилавий келишмовчиликлари оқибатида онадан ўч олиш мақсадида 3 нафар болалар қотиллик қурбонига айландилар! Энг ачинарли ҳолат, Тойлоқ тумани Маданият маҳалласида яшовчи оилада эр-хотин ўзаро келишмовчиликлари натижасида оилавий жанжаллар давомида, хотинидан ўч олиш ҳамда турмуш ўртоғига “жахлини кўрсатиб қўйиш” ва “нималарга қодирлиги”ни “тушунтириб қўйиш” ниятида, ота ўз пушти камаридан бўлган 7 ёшли вояга етмаган қизига нисбатан ғайритабiiй усулда зўрлик ишлатиб, жинсий алоқа қилиб, номусига теккан, ушбу ҳолатни қандай баҳолашга ва бу “ота”ни қандай аташга қонун ҳам шаърият ҳам “жим” қолади. Ҳолат юзасидан ЖКнинг бир қатор моддалари билан айб эълон қилинган. Бироқ мазкур ҳолатларни тергов қилишда терговчидан инсоний ҳис туйғуларга берилмасдан ҳолатни тўғри баҳолаш ва аниқ, ҳар томонлама холисона ёндашиб, жабрланувчиларни психолог ва педогок иштирокида сифатли сўроқ қилиб, ҳолатга қонуний баҳо бериши ва жазо муқаррарлигини таъминланишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бу каби ҳолатлар афсуски, Ургут ва Иштихон туманларида ҳам содир этилган. Бу биргина Самарқанд вилояти мисолида, Республикамизнинг бошқа вилоятларида эса шу каби ҳолатларни талайгина келтириш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг 20 июль куни Фарғона вилояти Фарғона шаҳри Янги аср кўчасида жойлашган қурилиши тамомланмаган бино ёнидан 11 ёшли қизчанинг мурдаси зўрлаш ва қотиллик аломатлари билан топилгани ҳаммани ташвишга солди десак муболаға бўлмайди. Мазкур ҳолат юзасидан ЖКнинг 97-моддаси, 118-моддаси ва 119-моддалари тегишли қисм ва бандлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Ушбу ҳолатларни содир этилишида, турли ижтимоий омиллар сабаб бўлиши мумкин, бироқ содир этилган қилмишга жазо муқаррарлигини, мазкур қилмишни содир этганлар виждон ва қонун олдида баробар жавоб беришликлари лозимлигини фуқаролар онгига сингдириш керак. Мазкур жиноятлари содир этган шахсларни тергов қилиш жараёнида уларнинг рухий ҳолатларини ўрганиш ва қай ҳолатда бу каби жиноятга қўл урганликларини, ўта шавқатсизликда жиноят содир этишига айнан қандай ижтимоий ва психологик омиллар сабаб бўлганлигини аниқлаш ва тергов йўналишини ўта эҳтиёткорлик билан аниқ ишлаб чиқилган режа асосида олиб бориш зарур. Яъни жиноят содир этган шахсга нисбатан ҳам, жабрланувчига нисбатан ҳам уларнинг рухий ҳолатини аниқлаш мақсадида, энг биринчи навбатда суд-психологик экспертиза тайинланиши маҳсадга мувофиқ бўлади. Ва албатта тергов жараёнларида психологлар иштирокини таъминлаш тергов сифати ва айбловнинг ҳар томонлама тўлиқ ва холисона амалга оширилишига ёрдам беради.

**Хулоса.** Вояга етмаганларни уларни ҳамма вақт ҳам кўрган, эшитган ҳолатларини тўғри қабул қилиш ва айтиб, тасвирлаб бериш ҳолатида бўлмайди. Бирор воқеа, ҳодиса ва ҳолат юзасидан вояга етмаганларни сўроқ қилиш имкон даражасида



кечиктирмасдан ўтказилиши чоралари кўрилиши керак, чунки улар учун эсдан чиқариб қўйиш хос ҳисобланади. Бундан ташқари, уларга манфаатдор тарафлардан салбий таъсир кўрсатилиши ва тазийқ ўтказилиши ҳам мумкин<sup>11</sup>. Бу эса тергов жараёнларини биров қийинлашишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун терговчидан юксак маҳорат ва диққат эътибор билан гувоҳ ва жабрланувчиларни кечиктирмасдан батафсил сўроқ қилиши ва ҳар бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Расмий нашр. 2023й.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. (2021 йил 10 сентябрьгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)-2021й
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси// <https://lex.uz/docs/104720#158601>
4. 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <http://president.uz/uz/lists/view/4057>
5. Дунёда болаларнинг холати // БМТнинг махсус сессиясидаги маъруза, 2001 [www.un.org](http://www.un.org). [www.unicef.org](http://www.unicef.org)
6. Домашнее насилие: социально-правовой аспект. Учебно-методическое пособие под общей редакцией Е.Н.Ершовой, при участии С.Г.Айвазовой. Москва-2013. <http://www.wcons.org.ru>.
7. McLeod D, Flood S. (2018), Coercive control: Impacts on children and young people in the family environment, Research in Practice SafeLives commissioned literature review pp.35.
8. Bola huquqlari monitoringi. O'quv-uslubiy qo'llanma /Mas'ul muharrir A.X.Saidov. -T.: Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi, 2011. -B.5
9. Алексеева Л.С. Жестокое обращение с детьми: его последствия и предотвращение. — М.: Национальный книжный центр, ИФ «Сентябрь», 2016.
10. “Ўзбекистонда болаларни нолайиқ муносабатдан муҳофаза қилиш тизими” тренинга материаллари асосида. Save the Children (UK), 2003.
11. Juvonen, J.; Graham, S. (2014). "Bullying in Schools: The Power of Bullies and the Plight of Victims". Annual Review of Psychology. 65:159–85. doi:10.1146/annurev-psych-010213-115030 (<https://doi.org/10.1146/annurev-psych-010213-115030>).
12. “Тергов” М.Г.Эсанов, М.Р.Ходжаев.- Тошкент. 2009. 189-б.

<sup>11</sup> “Тергов” М.Г.Эсанов, М.Р.Ходжаев.- Тошкент. 2009. 189-б.